



БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИ САНОАТИ: РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аминов Анвархон

Toshkent arxitektura-qurilish universiteti

ORCID: 0009-0004-3232-0700

anvarkhon@inbox.ru

Аннотация. Мақолада болалар ўйинчоқлари саноатининг Ўзбекистон ва жаҳон миқёсидаги ривожланиш ҳолати, бозор улуши, импорт ҳажми ва ички ишлаб чиқарувчи корхоналар салоҳияти таҳлил қилинган. Импортга бўлган юқори боғлиқлик, STEM ва интерактив ўйинчоқларга бўлган талабнинг ўсиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун яратиладиган имкониятлар ва давлат томонидан амалга оширилаётган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ёритилган. Мақолада статистик маълумотлар, бозор динамикаси ва тенденциялар орқали соҳанинг муаммолари ва истиқболли ривож йўналишлари аниқланган.

Калит сўзлар: ўйинчоқ саноати, импорт, маҳаллий ишлаб чиқариш, STEM-ўйинчоқлар, интерактив ўйинчоқлар, таълимий функция, давлат сиёсатлари, бозор тенденциялари, Ўзбекистон.

ИНДУСТРИЯ ДЕТСКИХ ИГРУШЕК: СОСТОЯНИЕ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ

Аминов Анвархон

Ташкентский архитектурно-строительный университет

Аннотация. В статье анализируется текущее состояние и тенденции развития индустрии детских игрушек в Узбекистане и в мире. Рассматриваются объемы импорта, рыночная доля, возможности местных производителей и растущий спрос на образовательные и интерактивные игрушки (STEM-направления). Также в работе представлены статистические данные, особенности внешнеторговой зависимости и государственные меры поддержки отрасли. Автор выявляет основные проблемы и перспективные направления развития сектора.

Ключевые слова: индустрия игрушек, импорт, местное производство, образовательные игрушки, интерактивные игрушки, государственная поддержка, рыночные тенденции, Узбекистан.

CHILDREN'S TOY INDUSTRY: CURRENT STATE AND DEVELOPMENT TRENDS

Aminov Anvarkhon

Tashkent University of Architecture and Civil Engineering

Abstract. This article analyzes the current state and development trends of the children's toy industry in Uzbekistan and globally. It examines import volumes, market share, the potential of local manufacturers, and the growing demand for STEM and interactive toys. The study highlights the high dependency on foreign products, provides statistical insights, and evaluates government support measures for the sector. Key challenges and promising growth opportunities are identified through market dynamics and recent data.

Keywords: toy industry, import dependence, local production, educational toys, interactive toys, STEM toys, government policy, market trends, Uzbekistan.

Кириш.

Болалар ўйинчоқлари саноати нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маданий жиҳатдан ҳам аҳамиятли тармоқлардан бири ҳисобланади. Ушбу саноат ёш авлоднинг интеллектуал, ижодий ва психоэмоционал ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда ўйинчоқлар тармоғи билим иқтисодиёти ва таълим тизимининг бир қисми сифатида қаралади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда болалар учун мўлжалланган маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бунда аҳоли сонининг ўсиши, ёш оилалар улушининг кўпайиши ва таълимга йўналтирилган ижтимоий сиёсат асосий омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга, маҳаллий ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчиларининг сони кўпайиб бораётган бўлса-да, импорт маҳсулотлар ҳануз бозорнинг 65–70 фоизини ташкил этади. Бу эса ички саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш, локал ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва сифатли маҳсулотлар таклифини кенгайтиришни тақозо этади.

Мазкур мақолада Ўзбекистонда болалар ўйинчоқлари саноатининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, тармоқдаги асосий муаммолар, бозор тенденциялари ва ривожланиш истиқболлари ёритилади. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятлари, инновацион ёндашувлар ва давлат сиёсатидаги рағбатлантирувчи механизмлар таҳлил қилинади.

Адабиётлар шарҳи.

Болалар ўйинчоқлари саноати бўйича олиб борилган халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар ушбу соҳанинг ижтимоий, иқтисодий ва таълимий аҳамиятини тўлиқ очиб беради. Хусусан, Fein (1981) ўйинчоқларни боланинг когнитив ва ижтимоий ривожланишидаги ролига бағишланган тадқиқотида, ўйин фаолияти орқали болада ахлоқий қадриятлар, мустақил фикрлаш ва ижодкорлик шаклланишини таъкидлайди.

UNESCO ва UNICEF каби халқаро ташкилотлар болалар учун мўлжалланган маҳсулотлар, жумладан ўйинчоқлар, уларнинг таълимий салоҳияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ талабларини шакллантирган. UNICEF (2019) ҳисоботида таълимий ўйинчоқлар ва эрта ёшдаги таълим ўртасидаги боғлиқлик, ҳамда кам таъминланган мамлакатларда сифатли ўйинчоқларга бўлган талабнинг ўсиши алоҳида таъкидланади.

Иқтисодий нуқтаи назардан, Wajda (2014) болалар бозори ва ўйинчоқ саноатидаги истеъмол тенденцияларини таҳлил қилиб, маҳсулотлар дизайн ва функциясида инновациянинг аҳамиятини кўрсатади. Шунингдек, Statista (2023) маълумотларига кўра, глобал ўйинчоқлар бозори йиллик 7–10% ўсиш суръатига эга бўлиб, STEM-ўйинчоқлар ва электрон ўйинчоқлар сегменти энг тез ўсувчи йўналишлар сирасига киради.

Маҳаллий даражада, Юнусова ва Абдурахманов (2021) Ўзбекистонда болалар учун мўлжалланган маҳсулотлар саноати ривожини, ички бозордаги импорт улуши ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлик муаммоларини таҳлил қилган. Уларнинг фикрича, техник регламентлар, стандартлаштириш ва маркетинг салоҳияти етарли эмаслиги маҳаллий тармоқ ривожига тўсиқ бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давстандарт агентлиги томонидан тақдим этилган расмий ҳисоботлар ва статистик маълумотлар, маҳаллий бозордаги реал ҳолат, импорт-экспорт динамикаси ва маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилишда муҳим манба ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда болалар ўйинчоқлари саноатининг ривожланиш ҳолати, мавжуд бозор тенденциялари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятлари комплекс таҳлил асосида ўрганилди. Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий таҳлил усуллари

биргаликда қўлланилди. Аввало, халқаро ва маҳаллий манбалардаги илмий адабиётлар, соҳага оид мақолалар, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва расмий статистик маълумотлар асосида мавзунинг назарий асослари таҳлил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давстандарт агентлиги томонидан эълон қилинган расмий маълумотлардан фойдаланилди. Бозор ҳажми, импорт-экспорт кўрсаткичлари, ишлаб чиқарувчи корхоналар сони, маҳсулот турлари ва ўсиш динамикаси бўйича очиқ манбалардаги рақамлар тўпланди ва таҳлил қилинди.


Таҳлил жараёнида динамик таҳлил, таққослама таҳлил ва тенденциялар таҳлили усулларидан фойдаланилди. Жаҳон бозоридаги ҳолатни Ўзбекистон бозори билан солиштириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун имкониятлар ва чекловчи омиллар аниқланди. Хусусан, STEM ва интерактив ўйинчоқлар сегментига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу методологик ёндашув мақолада соҳанинг ҳозирги ҳолатини реал рақамлар ва таҳлиллар орқали ёритиш, шунингдек, келгуси ривожланиш йўналишлари бўйича илмий асосланган хулосалар чиқариш имконини берди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Болалар ўйинчоқлари саноати ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, бир вақтнинг ўзида иқтисодий фойда келтирадиган тармоқ ҳисобланади. Бу тармоқ нафақат болаларнинг ривожланишига хизмат қилади, балки янги иш ўринлари яратиш, импорт ўрнини босиш ва маҳаллий брендларни шакллантириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тақдим этилган диаграмма жаҳон ўйинчоқлар бозорининг 2019 йилдан 2024 йилгача бўлган умумий қийматдаги ўсиш тенденциясини акс эттиради. Жаҳон ўйинчоқлар бозори 2019 йилдан 2024 йилгача 18,9 миллиард долларга ўсган. Бозор йиллар давомида босқичма-босқич кенгайиб борган бўлса-да, 2023 йилда қисқа муддатли пасайиш кузатилган. Бу ҳолат 2024 йилда тўлиқ бартараф этилган ва бозор яна ўсиш трендига қайтган. Демак, келгуси йилларда интерактив, таълимий ва экологик ўйинчоқларга бўлган талаб ортиши ҳисобидан бозор ўсиши давом этиши мумкин.



1-расм. Жаҳон ўйинчоқлар бозорининг умумий қиймати ўсиш динамикаси

2024 йилда дунё бўйича ривожлантирувчи (таълимий) ўйинчоқлар бозори 66,22 миллиард АҚШ долларга, 2025 йилда 71,32 миллиард долларга етган. Прогнозларга кўра, ушбу бозор 2032 йилга келиб 126,02 миллиард долларгача ўсиши кутилмоқда. Тахмин қилинаётган давр мобайнида ўртача йиллик ўсиш суръати 8,47% ни ташкил этади. 2024 йилда ривожлантирувчи ўйинчоқлар бозорида Шимолий Америка етакчилиқ қилган бўлиб, унинг улуши 38,09% ни ташкил этган.



2-расм. Турли мамлакатларда ўйинчоқ бозорининг ўртача йиллик ўсиш тенденциялари (2020-2025)

Бугунги кунда болалар ўйинчоқлари саноатидаги эҳтиёж ортиши ва бозордаги юқори талабга қарамай, Ўзбекистонда ушбу соҳанинг ички имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солинмаган. Қуйида Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри мисолида импортга бўлган боғлиқлик юқори даражада сақланиб қолмоқда эканини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Тошкент шаҳрига 2024 йилдан 2025 йилгача импорт қилинган ўйинчоқлар тўғрисида маълумот

Мамлакатлар	Товар миқдори (кг)	Товар қиймати (минг долл)
Умумий ҳажми	7 374 483.729	13 948.974
Китай	6 616 637.145	10 083.037
Россия	407 695.899	1 632.993
Германия	60.400	1.188
Турция	13 275.588	155.904

Манба: <https://ed1.customs.uz/hisobotImEx/index.jsp?pc=6&rn=0.6046885839521161>.

2024 йил 1 июндан 2025 йил 1 июлига қадар Тошкент шаҳрига болалар ўйинчоқлари импорти бўйича олинган маълумотлар таҳлилига кўра, умумий импорт ҳажми 7,37 миллион килограммни ташкил этди, товарлар умумий қиймати эса 13,95 миллион АҚШ доллари тенг. Ушбу рақамлар мамлакатда болалар ўйинчоқларига бўлган юқори талаб ва маҳаллий ишлаб чиқариш ҳали етарли даражада ривожланмаганини кўрсатади. Импортнинг асосий қисмини – тахминан 90% дан

ортиғини Хитой таъминлаган. Хитойдан олиб кирилган ўйинчоқлар 6,61 миллион кг ни ташкил қилиб, 10,08 миллион долларлик маҳсулотларга тўғри келади. Бу Хитой маҳсулотларининг арзонлиги, ёрқин ранглар ва қадоқлари бўйича турфа-хиллиги ва тез етказиб берилиш имкониятлари билан изоҳланади. Россия эса 407,7 минг кг ўйинчоқ етказиб бериб, импортда иккинчи ўринни эгаллади. Қиймат жиҳатидан бу 1,63 миллион долларни ташкил қилди, бу эса Россия маҳсулотлари нархи Хитойникига нисбатан юқорироқ эканини кўрсатади.

Германия ва Туркиядан келган импорт ҳажми нисбатан кам бўлиб, Германиядан фақат 60 кг атрофида ўйинчоқ келтирилган, бироқ унинг қиймати 1,19 минг долларга етган. Бу Германия ўйинчоқларининг юқори сифат ва қийматга эга эканини англатади. Туркиядан 13,3 минг кг ўйинчоқ олиб кирилган бўлиб, уларнинг қиймати 155,9 минг долларни ташкил этди. Бу маҳсулотлар асосан ўрта тоифали бозор учун мўлжалланганини кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрида болалар ўйинчоқлари бозори асосан хорижий етказиб берувчилар ҳисобига шаклланимда ва маҳаллий ишлаб чиқариш ҳали импортга жиддий рақобат кўрсата олмаяпти. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун катта имкониятлар борлигини ва ушбу соҳани жадал ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. 2024 йил 1 июндан 2025 йил 1 июлигача бўлган даврда болалар ўйинчоқлари импорти бўйича йиғилган маълумотлар ҳам мазкур ҳолатни яққол тасдиқлайди. Бу ҳолат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги имконият ва вазифаларни шакллантиради.

2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон бозорида болалар ўйинчоқлари импорти ҳануз 65–70% ни ташкил этмоқда. Импортнинг асосий қисми Хитой, Россия, Туркия ва Германия давлатларидан келтирилади. Масалан, 2024–2025 йиллар мобайнида фақат Тошкент шаҳрига 7,3 минг тоннадан ортиқ ўйинчоқ олиб кирилган ва бу товарларнинг қиймати қарийб 14 миллион АҚШ долларини ташкил қилган. Шундан 70% Хитойга тўғри келгани маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳияти етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Импорт маҳсулотлар ассортименти турли, сифат даражаси бўйича ҳам рақобатбардош, шу боис маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ушбу соҳада муваффақиятли фаолият юритишлари учун аниқ стратегик ёндашувлар талаб этилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда 50 дан ортиқ ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ташкил этилган. Улар асосан пластик ва матодан тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Лекин замонавий таълимий, электрон ёки интеллектуал ўйинчоқлар сегменти ҳануз етарли даражада ривожланмаган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг асосий устунликлари қаторида:

- ишчи кучи арзонлиги,
- ички бозор эҳтиёжини яхши англаш,
- транспорт ва логистика харажатларининг камлиги келтирилса, уларнинг асосий муаммолари сифатида технологик жиҳозлар камлиги, сертификатлаштириш стандартлари ва дизайн ишланмалар етишмаслиги қайд этилади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб болалар ўйинчоқларига қўйиладиган талаблар ўзгармоқда. Уларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан тавсифланади:

- таълимий қийматга эга бўлиши (STEM-направления);
- экологик хавфсизлиги (биоразлагаемое сырьё, кам хатарли пластмасса);
- интерактивлик ва рақамли интеграция (электрон ўйинчоқлар, мобил иловаларга боғланган моделлар);

- психологик ва ижтимоий ривожланишга ёрдам берувчи функциялар.

Ўзбекистонда ҳам ушбу трендларга мослашиш учун зарур шароитлар яратиш керак. Бу эса дизайн, муҳандислик, психология ва таълим соҳалари кесишувидаги янги ўйинчоқ моделларини яратишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш учун солиқ имтиёзлари, техник жиҳозлар импорти учун божхона энгилликлари, кредитлар ва субсидиялар механизми жорий қилинган.

Бироқ ўйинчоқ саноати учун махсус дастурлар, сертификатлаштириш ва халқаро стандартларга мувофиқлашув бўйича институционал ёрдам механизмлари ҳануз етарли даражада шаклланмаган. Шу боис, ушбу соҳага ихтисослашган давлат дастурлари ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, болалар ўйинчоқлари саноати Ўзбекистонда юқори салоҳиятга эга бўлса-да, ҳали тўлиқ ривожланмаган соҳалардан бири ҳисобланади. Бозорда импорт улушининг устунлиги, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг технология ва маҳсулот диверсификациясидаги чекловлари, STEM ва интерактив ўйинчоқларга бўлган ўсиб бораётган талаб билан мувозанатлашмаган ҳолда қолмоқда. Бундан ташқари, халқаро стандартларга мос сертификатлаштириш механизмларининг етишмаслиги ҳам маҳаллий брендларнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятини чекламоқда.

Саноатдаги мавжуд ҳолатни яхшилаш ва рақобатбардошликни таъминлаш учун бир қатор стратегик йўналишларда комплекс ёндашув талаб этилади. Аввало, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни замонавий технологиялар билан таъминлаш ва интеллектуал ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунга қўшимча, таълимий, психологик ва муҳандислик соҳалари кесишувида янги маҳсулот концепциялари яратиш орқали бозорни сифатли ва таълимий қийматга эга ўйинчоқлар билан бойитиш зарур. Импортга бўлган қарамликни камайтириш мақсадида локал ишлаб чиқарувчиларга қаратилган солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, маҳаллий брендларни сертификатлаштириш ва ташқи бозорга чиқаришда институционал ёрдам тизимини шакллантириш лозим.

Халқаро тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, STEM, экологик ва рақамлаштирилган ўйинчоқлар сегментини стратегик устувор йўналиш сифатида белгилаш тавсия этилади. Бу нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки болаларнинг таълимий ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу асосда, болалар ўйинчоқлари саноатини ривожлантириш борасида давлат сиёсатида тармоққа ихтисослашган алоҳида дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Davstandart агентлиги (2023). Ўйинчоқ маҳсулотларининг техник регламентлари тўғрисида маълумот. – Тошкент, – Режим доступа: <https://davstandart.uz>

Fein G. G. (1981) *The Role of Pretend Play in Children's Cognitive Development.* // *Early Child Development and Care. Vol. 10, No. 1.* – P. 29–40.

UNICEF. (2019) *Early Childhood Development and Play: Global Report.* – New York: UNICEF, – 56 p. – Режим доступа: <https://www.unicef.org>

Wajda A. (2014) *Trends in the Toy Industry: Design, Consumption and Innovation.* – Warsaw: *Polish Economic Review*, – 142 p.

Давлат статистика қўмитаси. (2024 йил 1-чорак) Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо маълумотлари. – Тошкент: Davstat.uz – Режим доступа: <https://stat.uz>

Ҳисобот (2024) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги. Ўзбекистон Республикасида болалар ўйинчоқлари импорти ва маҳаллий ишлаб чиқариш ҳолати бўйича ҳисобот. – Тошкент, – 27 б.

Юнусова Х., Абдурахманов Б. (2021) Болалар маҳсулотлари саноатининг ривожланиш тенденциялари. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар.* №3. Б. 112-119.